

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВА ИРОДА БАХРАМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДА ШАХСИЙ
НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА
ҚИЛИНИШИ**

12.00.03. – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Якубова Ирода Бахрамовна

Ўзбекистон ва Япония қонунчилигида шахсий номулкий
ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши..... 5

Yakubova Iroda Bakhramovna

Civil law protection of the personal non-property rights of the
legislation of Uzbekistan and Japan..... 23

Якубова Ирода Бахрамовна

Гражданско-правовая охрана личных неимущественных прав по
законодательству Узбекистана и Японии..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВА ИРОДА БАХРАМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДА ШАХСИЙ
НОМУЛКИЙ ХУҚУҚЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА
ҚИЛИНИШИ**

12.00.03. – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Уу10 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Докторлик диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Насриев Илҳом Исмоилович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Синдаров Комил Ойдинович
юридик фанлар доктори
Ҳазратқулов Одилбек Турсунович
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Уу.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил 9 ноябрь соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (850-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2018 йил 26 октябрь куни тарқатилди.
(2018 йил 26 октябрдаги 7-рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, доцент

Б.Т.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.Ф.Имомов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсоннинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш масалалари тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, БМТнинг 2017 йил 19 декабрдаги Глобаллашув ва унинг барча инсон ҳуқуқларини тўлиқ ҳажмда амалга оширишга таъсири номли 72/439-сонли резолюциясида¹ шахсий номулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган масалалар миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда шахс, жамият ва давлат ҳаётининг энг долзарб муаммоларидан бири эканлиги қайд этилган. Шу муносабат билан халқаро ҳамжамият томонидан инсоннинг ажралмас энг олий қадрияти ҳисобланган шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган давлатларaro ҳамкорликни кенгайтириш ҳозирги даврнинг талаби эканлиги таъкидланмоқда.

Жаҳонда фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш, ривожланган хорижий давлатларнинг бу борадаги қонунчилигининг ижобий ютуқлари ва илғор тажрибасини ўрганиш асосида миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш йўналишлари долзарб ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон ва Япония қонунчилигини компаративистик нуқтаи назардан тадқиқ этиш орқали шахсий номулкий ҳуқуқларнинг алоҳида турларини муҳофаза қилиш усулларини кучайтириш, бунда ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида самарали муҳофаза чораларини яратиш, Ўзбекистон ва Япония қонунчилигида шахсий номулкий ҳуқуқларни муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асослари, чоралари, усуллари ва механизмларига оид ягона илмий ёндашувлар ҳамда фаразларни шакллантириш, илмий қарашлар ва гипотезаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат сиёсатидаги роли ҳамда аҳамиятини ошириш, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларга оид ҳал қилув қарорларининг сифатини такомиллаштириш, шахснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун энг муҳим вазифалардан бири – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш»² ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг

¹ www.un.org/42/docs

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (1998), Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1995), Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни (1997), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги (2018) ПФ–5308-сон фармонлари, «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2018) ПҚ–3808-сон қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон ва Япония қонунчилигида шахсий номулкий ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиниш масаласи мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Унинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан Ҳ.Раҳмонкулов, И.Зокиров, О.Оқюлов, Н.Имомов, Б.Ахмаджонов, И.Насриев, Б.Тошев, Т.Умаров, М.Х.Баратов, А.Хасанов, Ж.Жўраев, Л.Тошпўлатова, Х.Палуаниязов, Р.Хонназаровларнинг илмий ишларида ҳамда компаративист олимларимиздан бири А.Саидовнинг киёсий ҳуқуқшуносликка оид илмий қўлланмаларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Япония мамлақатида мавзунинг ўзига хос жиҳатлари, хусусан, шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини, тасвирга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш масалалари Сакаэ Вагацума, Тори Ариидзуми, Hedeaki Kurosawa, Kawai Takashi, Mori Izumi Akira, Shiomi Yoshio, Hayashi Yujiro, Johoka Shakai каби олимлар томонидан ўрганилган.

МДҲга аъзо давлатлар ва бошқа хорижий мамлакатларда шахсий номулкий ҳуқуқларни таснифлаш масалалари ҳамда шахсий даҳлсизликни ҳимоя қилиш усуллари, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари А.Л.Анисимов, А.В.Белявский, К.И.Голубев, В.П.Грибанов, О.С.Иоффе, Ю.Х.Кабатов, О.А.Красавчикова, Е.А.Суханов, Ю.К.Толстой, И.С.Малеин, М.Н.Малеина, К.Ф.Егоров, А.Н.Ниёзова, И.А.Покровский, Ш.М.Менглиев, Т.В.Трофимова, J.E.J. Prins (Нидерландия), Antoinette Rouvroy (Бельгия), Niels Van Dijk (Нидерландия), Jessica Litman (АҚШ), Colin J. Bennett (АҚШ),

Viktor Mayer-Schönberger (Буюк Британия), Mathias Reimann (АҚШ)лар томонидан ўрганилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалаларига қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли мазкур масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда Ўзбекистон ва Япония қонунчилигида шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилинишига қаратилган алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» (2014-2019), «Интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласида бўлишини фуқаролик ҳуқуқий таъминлаш» (2014-2019) устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ва Япония қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлили натижасида шахсий номулкий ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилинишини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шахсий номулкий ҳуқуқларни Ўзбекистон ҳамда Япония қонун ҳужжатларидаги тушунча, моҳият ва белгиларини комплекс қиёсий таҳлил қилиш асосида унинг моҳиятини очиб берувчи таърифни ишлаб чиқиш;

шахсий номулкий ҳуқуқларнинг турлари сифатида яшаш ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, номга бўлган ҳуқуқ, тасвирга бўлган ҳуқуқ, сир сақлаш каби ҳуқуқларни ўрганиш асосида уларга тавсиф бериш;

маҳаллий одат ва анъаналар, хулқ-атвор қоидалари ҳамда уларнинг ҳуқуқ билан алоқадорлигини дафн этиш ҳуқуқи билан боғлиқ тарзда ҳамда кексаларни ҳурматлаш мисолида ўрганиш, ушбу масалаларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

шаън ва қадр-қимматни ҳамда ишчанлик обрўсини фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилинишини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

шаън ва қадр-қиммат ҳамда ишчанлик обрўсининг фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши муаммоларини ўрганиш асосида мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш;

шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш амалиётини ўрганиш ва уни такомиллаштириш муаммоларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон ва Япония қонунчилигида шахсий номулкий ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон ва Япония қонунчилигида шахсий номулкий ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, тизимли-тузилмавий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шахсий ҳаётга оид маълумотларни шахснинг розилигисиз йиғиш ёки тарқатиш учун маъмурий жавобгарлик чорасини белгилаш ҳамда ҳаёт дахлсизлигини муҳофаза қилиш механизмларини кучайтириш лозимлиги асосланган;

фуқаронинг тасвирини (шу жумладан, суратини, видеолавҳасини ёки у тасвирланган санъат асарини) эълон қилишга ва ундан фойдаланишга фақат шу фуқаронинг розилиги билан йўл қўйилиши лозимлиги асосланган;

оммавий ахборот воситалари оилавий муносабатларга бевосита алоқадор маълумотни эр-хотин ва уларнинг вояга етган фарзандларининг (фарзандликка олганлар ва фарзандликка олинганларнинг) розилигисиз тарқатишни тақиқлаш лозимлиги асосланган;

шахснинг исмидан унинг розилигисиз фойдаланиш давлат ва жамият манфаатлари, шу жумладан жамоат тартиби ва хавфсизлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мақсадларида амалга оширилганда, исмдан фойдаланиш қонунсиз фойдаланиш ҳисобланмаслиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига «Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш» деб номланган модданинг киритилиши шахсий ҳаёт дахлсизлигини муҳофаза қилиш механизмларини кучайтиришга хизмат қилиши асосланган;

тасвирдан фойдаланиш давлат ва жамият манфаатлари, шу жумладан жамоат тартиби ва хавфсизлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мақсадларида амалга оширилаётган бўлса, (ҳуқуқбузарликдан жабрланган фуқаронинг тасвиридан фойдаланиш ҳолларидан ташқари) тасвир эгасининг шахсий номулкий ҳуқуқи бузилди деб тан олинмаслиги асосланган;

фуқаро қонунга зид равишда қўлга киритилган тасвири «интернет» тармоғи орқали тарқатилган бўлса, фуқаро тасвирни олиб ташланишини, шунингдек тасвирнинг тарқалишини тўхтатиш ва ман этишни талаб қилишга ҳақли эканлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бошқа давлат фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига ўн ёшга тўлган фарзандликка олинаётган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши учун розилиги тўғрисидаги хати илова қилиниши кераклиги асосланган;

фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирма ҳамда фарзандликка олинаётган боланинг соғлиғи ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хулосани фарзандликка олаётган шахсларга тақдим этилиши кераклиги асосланган;

Ўзбекистон ва Япония фуқаролик қонунчилиги ва суд амалиётининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида «Шахсий номулкий ҳуқуқларга доир фуқаролик ва оила қонунчилиги нормалари қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида»ги Олий суд Пленумининг қарорини қабул қилиниши лозимлиги ҳақида таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот шахсий номулкий ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилинишининг назарий асосларини ривожлантиришга, фуқаролик қонунларини қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётида, фуқаролик ва бошқа қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ва Япония қонунчилигида шахсий номулкий ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шахсий ёки оилавий сирни ташкил этувчи шахсий ҳаёт тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш, — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишига оид таклиф Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 46¹-моддада ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 19 декабрдаги 06-18/799-сон далолатномаси). Ушбу таклиф шахсининг шахсий номулкий ҳуқуқи

ҳисобланмиш сирга бўлган ҳуқуқни бузилишини олдини олиш ва тегишли тартибда ҳимоясини таъминлашга хизмат қилган;

фуқаронинг тасвирини эълон қилишга ва ундан фойдаланишга фақат шу фуқаронинг розилиги билан йўл қўйилади. Вафот этган фуқаронинг тасвиридан фақат унинг рафикаси, фарзандлари, улар йўқ бўлганда эса ота-онасининг розилиги билан фойдаланилишига оид таклиф Фуқаролик кодексининг 99¹-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 9 августдаги 06/1-06/3312-сон хати). Ушбу таклиф шахснинг шахсий номулкий ҳуқуқи ҳисобланган тасвирга бўлган ҳуқуқи ҳимоясини таъминлашга хизмат қилган;

оммавий ахборот воситалари орқали фуқаролар ва ташкилотларнинг шаъни ва кадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини ҳақиқатга мос келмайдиган материаллар тарқатиш орқали таҳқирлаш, фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашиш, оилавий муносабатларга бевосита алоқадор маълумотни эр-хотин ва уларнинг вояга етган фарзандларининг розилигисиз тарқатиш тақиқланишига оид таклиф «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунининг 6-моддаси иккинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 9 августдаги 06/1-06/3312-сон хати). Ушбу таклиф оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шахсий ҳаётига, оилавий муносабатларига ўзбошимчалик билан аралашишни олдини олишга хизмат қилган;

шахснинг исмидан унинг розилигисиз фойдаланиш давлат ва жамият манфаатлари, шу жумладан жамоат тартиби ва хавфсизлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мақсадларида амалга оширилганда, исмдан фойдаланиш қонунсиз фойдаланиш ҳисобланмайди деган таклиф Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 20-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 9 августдаги 06/1-06/3312-сон хати). Ушбу таклиф жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мақсади учун хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 23 та илмий мақола (5 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуи бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбекистон ва Япония фуқаролик ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқларнинг ва уларни муҳофаза қилиш асосларининг умумий тавсифи**» деб номланиб, унда фуқаролик ҳуқуқида номоддий неъматлар ва шахсий номулкий ҳуқуқлар тушунчаси, моҳияти ва белгилари, Ўзбекистон ва Япония давлатларида номоддий неъматлар ва шахсий номулкий ҳуқуқлар муҳофазасининг шаклланиши, шахсий номулкий ҳуқуқлар тизимида шахсий ҳаёт дахлсизлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш асосларининг ифодаланиши: хорижий мамлакатлар тажрибаси, Япония ва Ўзбекистон ҳуқуқининг қиёсий таҳлили билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги «номоддий неъматлар» тушунчасининг таърифини ёки унинг мазмунига хос бўлган изоҳни бермайди. Шу муносабат билан тадқиқот ишида шахсий номулкий ҳуқуқлар тушунчасига нисбатан олимлар (Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, Т.Умаров, И.И.Насриев) томонидан билдирилган кўплаб фикрлар таҳлил қилиниб, шахсий номулкий ҳуқуқлар тушунчасининг доктринал таърифи ишлаб чиқилди: Шахсий номулкий ҳуқуқлар – субъектив ҳуқуқлар бўлиб, эгасининг шахси билан узвий боғлиқ бўлган ва ундан бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган, уларнинг мавжудлиги инсоннинг шахсий манфаатларини қамраб олувчи ҳамда бу соҳа ва манфаатларнинг мазмун-моҳиятини шакллантирувчи, ҳар бир шахснинг ҳаёт кечириши билан боғлиқ муайян воқеликни тўлалигича англаш ва идрок этиш имкониятини берувчи, инсоннинг туғилиши билан ёки қонун асосида вужудга келувчи мутлақ характерга эга бўлган ҳуқуқлардир.

Тадқиқотчи номоддий неъматларнинг фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатидаги ўзига хослигини ва фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектларидан фарқли жиҳатларни таҳлил этар экан бир қатор олимлар (Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.И.Насриев, М.Х.Баратов, Р.Ж.Матқурбанов, Т.В.Трифимова)нинг фикрларини ўрганган ҳолда, номоддий неъматларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Муаллифнинг фикрича, номоддий неъматларнинг бошқа шахсга берилмаслиги, тасарруфдан чиқарилмаслиги бундай неъматларга нисбатан ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишни

учинчи шахслар (вакил)га тошириш мумкинлигини истисно этмайди, албатта. Жумладан, вояга етмаган шахсларнинг шаъни ҳамда кадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъволар уларнинг қонуний вакиллари томонидан тақдим этилиши мумкин. Номоддий неъматнинг товар шаклида мужассам бўлмаслиги ва иқтисодий мазмунга эга эмаслиги, унинг шу неъмат эгаси билан чамчарбас боғлиқлиги зарур белги бўлса-да, мутлақ (абсолют) белги, деб қаралмаслиги лозим. Номоддий неъматлар ўз эгасининг шахси билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун ҳам неъмат эгаси шахсининг индивидуаллик белгисини ошириб беради. Номоддий неъматлар ўз эгасининг ижтимоий ҳолатини яққол кўрсатиб туради ҳамда бутун мавжудлик даври мобайнида ҳар хил ўзгаришларга, шу жумладан сифат ўзгаришларга учраса-да, ажралмаслигича ва узвийлигича қолаверади. Номоддий неъматлар амал қилиш муддати чекланмаганлиги билан ажралиб туради.

Муаллифнинг фикрича, шахсий номулкий ҳуқуқлар фуқаролар ҳуқуқ лаёқатининг таркибий қисми сифатида Фуқаролик кодексининг 18-моддаси мазмунида кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳам фуқароларнинг мулкый ҳуқуқлари сингари Фуқаролик кодексининг 18-моддасида ифодаланиши лозим. Бинобарин, фуқаронинг «ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи» фуқаролар ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни сифатида белгиланиши зарур. Шунинг учун ҳам Фуқаролик кодексининг 18-моддасига «машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари» жумласидан кейин «шаъни ва кадр-қимматга, шахсий дахлсизликка, ишчанлик обрўсига, шахсий ҳаётининг дахлсизлигига, хусусий ва оилавий сирларга, номга ва тасвирга бўлган ҳуқуқга эга бўлишлари» жумласини киритиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексидан фарқли равишда Япония Фуқаролик кодексига номоддий неъматларга алоҳида боб ҳам, модда ҳам ажратилмаган, фақатгина Кодексида мавжуд принципларидан унинг мавжудлиги маълум бир маънода англашилади. Бу билан шахсий номулкий ҳуқуқлар Япония Фуқаролик кодексига мустаҳкамланмаганлиги боис ҳам умуман мавжуд эмас экан деб бўлмайди. Бу ҳуқуқлар ва унинг ҳимояси амалиётда кенг қўлланилади, фақатгина Кодексида кўрсатилмаган. Мисол учун, Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг 99-моддасида шахсий номулкий ҳуқуқларнинг турлари санаб ўтилган бўлиб, жумланинг охирида «бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди» деб таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг 6-моддасида «Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилади» деган норма мавжуд. Демак, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар Кодексида аниқ кўрсатилмаганлиги унинг мавжуд эканлигини инкор этмайди. Ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқларининг ҳимояси биринчи каторга чиқаётган жараёнда, шахсий номулкий ҳуқуқларнинг доираси ҳам ўз-ўзидан кенгайиб бормоқда. Ҳар бирини қонун

билан мустақамлаш қийин бўлиб қолади, лекин шунга қарамасдан бу ҳуқуқлар қонун орқали ҳимояси назарда тутилади. Япония мамлакатида ҳам худди шундай. Шахсий номулкий ҳуқуқ тушунчаси ва турлари Фуқаролик кодексида акс эттирилмаган бўлишига қарамай, ушбу ҳуқуқлар бузилган тақдирда унинг ҳимояси амалга оширилади.

«Ўзбекистон ва Япония қонунчилигида шахсий номулкий ҳуқуқлар алоҳида турларининг фуқаролик-ҳуқуқий муҳофазаси» деб номланган иккинчи бобда, номоддий неъматлар ва шахсий номулкий ҳуқуқларни таснифлаш мезонларининг таҳлили, шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларнинг турлари, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муҳофазаси: яшаш ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, номга бўлган ҳуқуқ, ахборот олиш ҳуқуқи, сирга бўлган ҳуқуқ, маҳаллий одат ва анъаналар, хулқ-атвор қоидалари ҳамда уларнинг ҳуқуқ билан алоқадорлиги (дафн этиш ҳуқуқи ҳамда кексаларни ҳурматлаш мисолида) каби масалалар таҳлил қилинган.

Фуқаролик ҳуқуқида номоддий неъматлар ва шахсий номулкий ҳуқуқлар таснифлаш масаласи атрофлича ва кенг таҳлил этилган. Бирок, номоддий неъматлар ва шахсий номулкий ҳуқуқларни Ўзбекистон ва Япония қонунчилигини қиёслаш асосида таснифлаш миллий ҳуқуқшуносликда амалга оширилмаганлигини айтиб ўтиш зарур. Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва Япония фуқаролик кодексида номоддий неъматлар ва шахсий номулкий ҳуқуқларнинг алоҳида таснифи келтирилмаган.

Япон мутахассислари шахсий номулкий ҳуқуқларни туркумлаш мезонларини алоҳида тадқиқ этишмайди. Улар бундай ҳуқуқларни таснифлашнинг алоҳида тизими ва мезонларини ишлаб чиқиш асосида шахсий ҳуқуқларга ёндашишмайди, аксинча шахсий номулкий ҳуқуқларни шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатидаги бошқа ҳуқуқлар билан биргаликда таҳлил этишади.

Номоддий неъматлар ва шахсий номулкий ҳуқуқлар доираси жуда кенг бўлиб, ҳар бир тушунчани аниқлаштириш ҳамда унинг муҳофазаси қандайлиги катта ҳажмдаги иш эканлиги табиий. Шу сабабли ушбу ишда улардан айримларига, энг кўп тарқалган ва моҳият эътибори билан муаллифнинг фикрича, бошқаларидан муҳимроқ бўлган қуйидаги тушунчаларга тўхталиб ўтилади: яшаш ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, номга бўлган ҳуқуқ, сир сақлаш ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқ.

Тадқиқот ишида яшаш ҳуқуқининг таркибий қисмлари бўлган ҳаёт ва соғлиққа бўлган ҳуқуқ бўйича бир қатор олимлар (Ҳ.Р.Раҳмонқулов, Ш.Н.Рўзиназаров, Н.Ҳ.Эгамберидева) томонидан билдирилган фикрлар ўрганилади ва фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғи барча ҳуқуқ соҳаларининг ҳимоя қилиш ва муҳофазалаш объекти ҳисобланади ва бунда ҳар бир ҳуқуқ соҳаси ўзига хос функцияни бажариши лозим деган хулосага келинади.

Муаллиф «Яшаш ҳуқуқи» тушунчасини таҳлил қилиб, бу борадаги қарашлар ва ёндашувларни ўрганади. Инсоннинг вафот этган пайтини белгилаш таомилига қонун ҳужжатларимизда махсус таъриф берилмаган, лекин соғлиқни сақлаш, меҳнат тўғрисидаги ва бошқа бир қанча соҳаларга

тааллуқли қонун нормаларида шу хусусда у ёки бу даражада тўхталиб ўтилган.

Тадқиқот ишида соғлиққа бўлган ҳуқуқ тушунчаси талқин этилади ва амалдаги қонунчиликда соғлиқ тушунчасининг таърифи ишлаб чиқилмагани ҳолатини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонунига соғлиқ тушунчасининг киритиш таклифи асослаб берилади.

Номга бўлган ҳуқуқ ҳам шахсий номулкий ҳуқуқларнинг таркибий қисми бўлиб, бу ҳуқуқ таркибига шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда лақаб ва тахаллуслари киради. Япониянинг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, масалан, инсон шахсини унинг фамилияси белгилайди. Мамлакатнинг миллий одатларига мувофиқ эр-хотинлар муштарак (умумий) фамилия билан болалари эса ота-онасининг фамилияси билан юради. Ота ва она умумий фамилияда бўлса, болаларнинг фамилия олишида муаммо бўлмайди.

Фуқаронинг тасвирга бўлган ҳуқуқи – фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим ва долзарб мавзуларидан ҳисобланади. Ушбу ҳуқуққа давлат томонидан қизиқиш катта, лекин соҳа бўйича қонунчиликда ҳеч қандай ўзгаришлар амалга оширилмаган. Япония ва бошқа Европа мамлакатларининг фуқаролик қонунчилигидаги шахсий номулкий ҳуқуқларини миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилганида, тасвирга бўлган ҳуқуқ алоҳида ўринга эгаллиги яққол кўзга ташланади. Фуқаролик қонунчилигидаги фуқаронинг тасвирини (шу жумладан суратини, видеолавҳасини ёки у тасвирланган санъат асарини) эълон қилиш ва ундан фойдаланиш масалалари Япониянинг фуқаролик қонунчиликларида ўз аксини топган. Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги 99¹-моддаси тариқасида «Фуқаронинг тасвирини (шу жумладан суратини, видеолавҳасини ёки у тасвирланган санъат асарини) эълон қилишга ва ундан фойдаланишга фақат шу фуқаронинг розилиги билан йўл кўйилади. Вафот этган фуқаронинг тасвиридан фақат унинг рафиқаси, фарзандлари, улар йўқ бўлганда эса ота-онасининг розилиги билан фойдаланиш мумкин» деган қонун мустаҳкамлаш ҳамда қандай ҳолатларда розилик талаб этилмаслик шартларини белгилаб қўйишни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, ҳозирги пайтда интернет тармоғи орқали ҳам бошқа бир шахсларнинг тасвиридан ноқонуний, тасвир эгасининг розилигисиз фойдаланиш ҳолатлари кундан кунга ошиб бормоқда. Ана шундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида ушбу модданинг охириги қисми сифатида «Агар фуқаро ушбу моддага зид равишда қўлга киритилган тасвири «Интернет» тармоғи орқали тарқатилган бўлса, фуқаро тасвирни олиб ташланишини, шунингдек тасвирнинг тарқалишини тўхтатиш ва ман этишни талаб қилишга ҳақли» деган нормани киритилиши зарур деб асослайди.

Сир сақлаш ҳуқуқи шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида муҳофазаланиши қонун ҳужжатларида аниқ қоидалар ва кафолатлар билан белгиланиши лозимлиги таҳлил этилгани ҳолда, диссертацияда Японияда шахсий

маълумотларни ва бошқа тижорат сирларини сақлашнинг қонунчиликда белгиланган кафолатлари ўрганилади ва Ўзбекистон қонунчилиги билан қиёсий таҳлил этилиб, ижобий ва салбий жиҳатлар ёритилади.

«Маҳаллий одат ва анъаналар, хулқ-атвор қоидалари ҳамда уларни ҳуқуқ билан алоқадорлиги – дафн этиш ҳуқуқи ҳамда кексаларни ҳурматлаш мисолида» деб иккинчи боб учинчи параграфининг номланиши муаллифнинг фикрича, бир қарашда давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг «ҳуқуқ одат ва анъана билан боғлиқ муносабатларни тартибга солмаслиги» тўғрисидаги қоидага зидга ўхшаб кўринади. Лекин ҳар қандай мамлакатнинг тарихан шаклланган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, яшаш ва фикрлаш тарзи, муайян ижтимоий шароитларда камолга етган қобилияти ва руҳий қуввати мужассам деб қараладиган миллий менталитет тушунчаси шу миллатга хос анъаналар, расм-русумлар, урф-одатлар, хулқ-атвор қоидалари, диний эътиқодини ҳам ўз ичига олишини унутмаслик керак. Бинобарин, миллий менталитет, шу жумладан маҳаллий ва миллий одат ҳамда анъаналар, хулқ-атвор қоидалари ўша миллатга мансуб кишининг турмуш тарзи, фикрлаши, дунёқарашини бир қадар белгилайди, гоҳида уни баҳолаш учун асос бўлади ҳам. Тадқиқотчи ўз ишида масалани айти шу таҳлилда қўйишда маҳаллий одат ва анъаналар, хулқ-атвор қоидалари ўрни келганда баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилишга, қолаверса мамлакатимиз фуқароларининг асрлар давомида шаклланган маънавияти, урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларидан озиқланишига асосланади. Япония мамлакати ҳам худди шундай истиқлол қарашларига ва миллий қадриятларига эга мамлакат эканлиги таҳлил этилади.

Тадқиқот ишида шу пайтга қадар маҳаллий одат қоидалари асосида тартибга солиб келинган дафн этиш маросимининг қонуний асосга эга бўлганлиги ва мазкур шахсий номулкий ҳуқуқни тартибга солиниши таҳлил этилади. Муаллиф, Ўзбекистон Республикасининг «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги қонуни нормаларини шахсий номулкий ҳуқуқларни тартибга солишдаги ўзига хос жиҳатларини ўрганиб, бу борадаги Япония фуқаролик қонунчилиги таҳлил қилиб, мазкур Қонунни такомиллаштиришга оид таклифларни илгари суради.

Диссертациянинг учинчи боби «**Шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш – муҳофазанинг алоҳида усули сифатида**» деб номланиб унда, шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши ва ҳимоя қилинишининг ўзига хос жиҳатлари, шаън ва қадр-қимматни ҳамда ишчанлик обрўсини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиниши тушунчаларининг бирлиги ва ўзига хослиги, шаън ва қадр-қиммат ҳамда ишчанлик обрўсининг фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши таҳлил этилган.

Тадқиқотчининг фикрича, номоддий неъматлар ва шахсий номулкий ҳуқуқлар бошқа ҳуқуқларга ҳам тааллуқли бўлган қоида асосида амал қилади: ҳуқуқ бор экан, демак уни бузишлари ҳам мумкин, шундай экан, бошқа ҳуқуқлар каби бу ҳуқуқлар ҳам ҳимоя қилиниши даркордир. Маълумки, ҳуқуқий ҳимоя ва унинг усуллари ҳуқуқлар бузилганда қўлланиладиган таъсир чоралари сифатида кўрилади. Агар ҳуқуқ мавжуд

бўлгани ҳолда, у бузилмаса ёки уни амалга оширишга нисбатан тўсқинликлар мавжуд бўлмаса, ҳуқуқий ҳимояга эҳтиёж сезилмайди. Бундай ҳолатда ҳуқуқнинг тегишли тарзда қафолатланганлиги ҳамда қонуний тарзда субъектга тегишли эканлиги аҳамиятга эга бўладики, ҳуқуқ назариясида бу ҳолат ҳуқуқий муҳофаза сифатида тушунилади. Албатта, «ҳуқуқий муҳофаза» атамаси муайян объект ёки шахсга тегишли бўлган ҳуқуқнинг қонунийлиги, давлат ва жамият томонидан эътироф этилганлиги ҳамда қафолатланганлигини англатади, бундай қафолатлар ҳуқуқнинг ҳимояланганлиги билан таъминланади. Бошқача айтганда, «ҳуқуқий ҳимоя» атамаси «ҳуқуқий муҳофаза» атамасини тўлдиради ва муҳофазанинг тўлақонлилигини билдиради. Шу сабабли ҳам тадқиқот ишида шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимининг асосий ва марказий қисми бўлган шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тизим ва усуллари таҳлил қилинади.

Маълумки, «шаън» тушунчаси жамият эътирофининг ижтимоий баҳоси, шунингдек обрў-эътиборига доғ туширмай, уни бир маром ва даражада ушлаб туришга интилиш ҳамдир. Қадр-қимматни одатда шахснинг ўзига-ўзи баҳо бериши, шахсий фазилатларини, лаёқат ва қобилиятларини, дунёқарашини, зиммасидаги бурчини, кўпчиликнинг кўз ўнгидаги ижтимоий аҳамияти даражасини ўзи англаб етиши ва тушуниши деб қарашади. Обрў-эътибор, шу жумладан ишчанлик обрўси шаън ва қадр-қиммат билан узвий ришталар билан боғланган. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, шахснинг қадр-қиммати тўғрисидаги тасаввур барча одамларнинг ахлоқ жиҳатидан тенглиги принципи ҳамда уларнинг ўзига-ўзи баҳо беришидан келиб чиқса, шаън тушунчаси эса одамларга табақалаштирилган тарзда баҳо берилади ва бу ҳол шу одамларнинг обрў-эътиборида қандайдир даражада ўз аксини топади.

Диссертацияда шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш усул ва воситалари, суд тартибида ҳимоя қилиш масалалари таҳлил этилади. Муаллиф, обрўга путур етказувчи, бадном этувчи маълумотлар, ҳақиқатга тўғри келмаслик каби мезонларни таҳлил этиб, ҳуқуқбузарнинг ҳаракатига баҳо берилиши ва жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулини белгилаш лозимлигини таъкидлайди.

Шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя этишдаги мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий усулларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бундай ҳуқуқлар, агар уларнинг бузилишига йўл қўйилган бўлса, ҳуқуқбузарнинг айбидан қатъи назар, имкон қадар тикланмоғи керак. Бунда ҳар қандай ҳимоя шакли ва усулларидан фойдаланишга йўл қўйилади. Аввало, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий усуллари (Фуқаролик кодексининг 11-моддаси), қолаверса фуқаролик қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунларда назарда тутилган, ҳуқуқбузарлик хусусиятига зид бўлмаган махсус усуллар қўлланилиши мумкин. Ҳимоя этишнинг асослари ва усуллари субъектлар бўйича, яъни кимнинг (жисмоний ёки юридик шахснинг) ҳуқуқлари бузилганлигига қараб фарқланади. Ихтиёридаги ҳимоя усулларидан қайси биридан фойдаланишни эса шахснинг ўзи ҳал қилади.

Диссертацияда ҳимоя этишнинг умумий усуллари орасида кўпроқ етказилган зарар ўрнини қоплаш, маънавий зиённи тўлаш (компенсация қилиш) усуллари ўрганилади ва бу борадаги Япония қонунчилиги (Япониянинг 1980 йилда қабул қилинган компенсация тўлаш ҳақидаги қонуни) таҳлил этилади. Муаллиф шахсий номулкий ҳуқуқларни бузганлик учун белгиланган фуқаролик-ҳуқуқий усуллар бўйича Ўзбекистон ва Япония қонунчилигининг қиёсий таҳлилини амалга ошириб, бу усуллар мазкур давлатлар қонунчилигида, деярли бир хилда қўлланилиши ва асосан зарарни қоплаш ва товон пули тўлаш асосда шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳимоя қилинишини асослаб беради.

Шаън, кадр-қиммат ёки ишчанлик обрўси бузилган ҳолларда ҳимоя этишнинг махсус усуллари қонун ҳужжатларимизда (Фуқаролик кодексининг 100-моддаси) назарда тутилган, шунингдек ҳимоя этишнинг умумий усулларида етказилган зарарлар ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсациялаш усулларида фойдаланиш имконияти борлиги ҳам айтилган.

Булардан ташқари, кечирим сўраш ҳимоя усули ҳам мавжуд бўлиб, Японияда бундай усул ҳам кенг қўлланилмоқда. Шахсий номулкий ҳуқуқларнинг бузилиши ҳолатлари юз берганда даъвогарнинг хоҳишига биноан «кечирим сўраш» каби тегишли чора қўлланилиши мумкин.

Фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя этишдан кўзланган мақсад унинг жисмоний, шахсий ва интеллектуал дахлсизлигини, шунингдек ички дунёси дахлсизлигини таъминлашдан иборат.

Япониялик олим Каваи Такеши «шахс мақомига оид бўлган ҳуқуқ (мисол учун, эр-хотиннинг битта уйда яшаш мажбурияти) сифатида вафодор бўлиш ҳуқуқини ҳам шахсий ҳуқуқ сифатида кўрсатади. Япон цивилист олимлардан Като «sexual harassment»ни ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат сифатида ҳисоблаб, уни шахси, эркинлиги, кадр-қимматига бўлган шахсий ҳуқуқни ҳимоя қилиш сифатида қаралиши керак» деб фикр билдиради. Буларга мисол сифатида йигитнинг қиз бола ёки аёл кишига узоқ вақт тикилиб қолиши, гап отиши каби хатти-ҳаракатларни киритади. Япон олимлари бундай ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини фуқаролик ҳуқуқининг махсус ҳимоя усулларига киритишади.

Япония фуқаролик қонунчилиги шахсий номулкий ҳуқуқлар зарар ўрнини қоплаш, зарар етказилган ашё, иморат, транспорт ва шу сингари объектларни тиклаб ёки тузатиб беришга оид ишлар судда кўрилатганда фуқаролик ҳуқуқига мурожаат қилинишида яққол кўринади. Шахсий ҳуқуқлар шу тарафдангина Фуқаролик кодексига дахлдордир. Демак, фуқаролик ҳуқуқида шахсий ҳуқуқларни зарарни қоплашга тааллуқлиги, бинобарин, бу борадаги масала суд тартибида кўрилатгандагина том маънода ўзини кўрсатадиган бўлганлиги боис уни алоҳида шахсий ҳуқуқ деб ажратишга эҳтиёж йўқ деган фикр билдиришади япон олимлари.

Тадқиқотчи юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб, ҳақиқатга тўғри келувчи шахсий маълумотларнинг ҳимоясини мустаҳкамлаш, судлар томонидан уларнинг кўриб чиқилишини енгиллаштириш учун бирон-бир

кўрсатма сифатида Олий суд Пленуми қарор лойиҳасини ҳам ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблайди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон ва Япония қонунчилиги бўйича шахсий номулкий ҳуқуқларнинг қиёсий таҳлил этилиши ва ўрганилиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон ва Япония фуқаролик ҳуқуқидаги шахсий номулкий ҳуқуқларнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида шахсий номулкий ҳуқуқларга қуйидаги доктринал таъриф берилди: «Шахсий номулкий ҳуқуқлар – субъектив ҳуқуқлар бўлиб, эгасининг шахси билан узвий боғлиқ бўлган ва ундан бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган, уларнинг мавжудлиги инсоннинг шахсий манфаатларини қамраб олувчи ҳамда бу соҳа ва манфаатларнинг мазмун-моҳиятини шакллантирувчи, ҳар бир шахснинг ҳаёт кечирishi билан боғлиқ муайян воқеликни тўлалигича англаш ва идрок этиш имкониятини берувчи, инсоннинг туғилиши билан ёки қонун асосида вужудга келувчи мутлақ характерга эга бўлган ҳуқуқлардир».

